

ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙ СУВЕНИРЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ДОИР

Комилжон Сидиков

К.Бехзод номидаги МРДИ кафедра мудири, доцент

е-манзил: sidikov@mail.ru

***Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг кўзга кўринган экспонатлари асосида яратилган ва ишлаб чиқарилган музей сувенирлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, илгор хорижий тажрибалари ўрганилиб, музей сувенирларининг туризм соҳасидаги ўрни таҳлил қилинади.*

***Калим сўзлар:** музей, сувенир, яратиш, ишлаб чиқариш, туризм, экспонат, ҳайкал, сопол, полиграфия, маҳсулот, “музей дўкон”.*

***Аннотация.** Статья посвящена музейным сувенирам, созданным и изготовленным на основе выдающихся экспонатов Государственного музея истории Узбекистана. Также изучается передовой зарубежный опыт и анализируется роль музейных сувениров в сфере туризма.*

***Ключевые слова:** музей, сувенир, разработка, производство, туризм, экспонат, скульптура, керамика, печать, продукт, “музейный магазин”.*

***Annotation.** The article is devoted to museum souvenirs created and made on the basis of outstanding exhibits of the State Museum of the History of Uzbekistan. It also studies advanced foreign experience and analyzes the role of museum souvenirs in the field of tourism.*

***Key words:** museum, souvenir, create, produce, tourism, exhibit, sculpture, ceramics, print, product, “museum shop”.*

Музей сувенирлари нафақат музейларга иқтисодий фойда келтиради, балки уларни тарғиботчиси ҳам саналади. Қолаверса, сувенирлар мамлакат туризмининг бир йўналиши ҳисобланиб, ҳам уларни ишлаб чиқарувчиларига, ҳам давлат иқтисодига ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир. Бугунги кунда ривожланган ва ривожланаётган давлатларда музей сувенирларини ишлаб чиқариш яхши йўлга йўқилган. Жахоннинг кўзга кўринган музейлари ўзининг миллий брендларига, машхур экспонатларини репликацияларига эга бўлиб, миллионлаб нусхада ишлаб чиқарилади ва сотилади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ҳам музей сувенирларини яратиш, ишлаб чиқариш ва савдосини йўлга қўйишга эътибор кучайди. Бу борада музейлар ва моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, эндиликда музейлар даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиши мумкин (“Музейлар тўғрисида”ги Қонун).

Маданий мерос агентлиги томонидан Музейлар ва туристик йўналишлардаги маданий мерос объектларида “Museum shop” (музей дўкон) тизимини йўлга қўйиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди. Мазкур ишчи гуруҳ томонидан “Museum shop”ларни ташкил қилиш бўйича Туркия, Хитой, Франция, АҚШ каби давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибаларини Ўзбекистонда татбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш режалаштирилган (<https://yuz.uz/uz/news>).

Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг турлари кўп бўлиб, қадим-қадим замонлардан ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Уста-ҳунармандлар аввалдан асосан хўжаликда фойдаланиш учун маҳсулотлар ишлаб чиқарган бўлса, аста-секинлик билан буюртмалар асосида ва тажрибалар ортиши натижасида ўзига хос шаклу-шамойилга эга буюмлар ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Тарихий-маданий ҳудудларда давлатчиликнинг ривожланиши, дипломатия муносабатларининг шаклланиши билан ўзаро совғалар олди-бердиси ҳам йўлга қўйила бошлаган. Ҳукмдорлар бир-бирларига ўзларининг элчилари орқали қимматбаҳо ва камёб буюмлар бериши вақтлар ўтиб анъана ва ёзилмаган қоидага айланган. Нодир буюмлар орасида ҳунармандлар томонидан мукамал санъат асари даражасида ишланган маҳсулотлар ҳам бўлган. Уларга мисол тариқасида олтин ва қимматбаҳо тошлар қадалган (инкрустация) қилич ва ханжарлар, зебу-зийнатлар, зарҳал тўн ва либослар ҳамда сарой интерьерини безаш учун мўлжалланган маҳобатли декоратив буюмларни келтириш мумкин. Бу каби совға қилинган нодир буюмларни кўплаб музейларда учратиш мумкин.

Бугунги кунда йирик музейларда “Museum shop”лар фаолият юритади ва уларда бир неча юзлаб сувенирларни кўриш мумкин. Уларнинг асосий қисми музейдаги машҳур экспонатлар асосида ишлаб чиқилган. Одатда сувенирларнинг бир қисми фойдаланиш учун, бошқалари эса эсдалик мақсадида ишлаб чиқарилади. Фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган сувенирларга музей логотипи ёки машҳур экспонатлар расми ёки экспонатлардаги услублаштирилган турли тасвир, сюжет ва безаклар туширилган либос

(футболка), канцтовар ва полиграфия маҳсулотлари, ошхона ва хўжаликда ишлатиладиган буюмларни мисол келтириш мумкин. Эсдалик сувенирларга асосан, ноёб ва машхур архитектура ёдгорликлари ва иншоотлари, картиналар, ҳайкаллар, ўзига хос шаклу-шамойилга эга сопол идиш ва буюмларнинг турли ўлчамлардаги нусхаларини мисол келтириш мумкин.

Музей сувенирлари ичида энг кенг тарқалган ва кўп хариб қилинадиган тури бу машхур архитектура иншоотларидир. Биринчидан, уларни ишлаб чиқариш мураккаб жараёни талаб этмайди, иккинчидан уни турли ўлчамларда ва хом-ашёларда тайёрлаш мумкин. Масалан, Париждаги Эйфел минораси асосида юзлаб сувенирлар ишлаб чиқарилган ва улар орасида арзонлиги учун энг кўп сотиладигани брелоклардир. Уни ишлаб чиқариш конвейер усулида бўлиб, қаттиқ полимер ёки полестир моддалардан қуйма ҳолатда ясалади. Яна бир харидоргир сувенир тури – магнитлар ҳисобланади. Улар ҳам метал, ёғоч, полимер каби турли хом-ашёлардан ясалиб, улар орасида винил магнитлар арзонлиги, эластиклик ва енгиллик хусусиятларига кўра оммабоп ҳисобланади. Сўнгги пайтларда ёғочга лазер ёрдамида ишлов бериш (кесиш, ўйиш, куйдириб жило бериш ва б.) технологиялари такомиллашгани боис, ёғочдан ясалган сувенирлар расталардан муносиб ўрин олмоқда.

Мамлакатимизда ҳам музей экспонатлари асосида сувенирлар ишлаб чиқариш аста-секин ривожланиб бормоқда. Бу борада маҳаллий тажрибалар етарли бўлмасада, истиқболда соҳанинг такомиллашуви ва жаҳон андозалари даражасига чиқишга интилишни кузатиш мумкин. Мисол тариқасида мақола муаллифлари ҳам бу соҳа кўл уриб, музей буюртмасига кўра айрим экспонатларнинг сувенирларини яратиш ва ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Аниқроғи, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи (ЎТДМ) буюртмасига кўра, музейнинг кўзга кўринган машхур экспонатлари асосида махсус сувенирларнинг моделлари яратилди ва кўп нусхада ишлаб чиқарилди. Улар қаторига музей экспозициясидан мустақам ўрин эгаллаган ва омма эътиборига тушган икки бошли илон тасвири тош ҳайкал, эркак юзи тасвирланган диск, мойчирок, сиёҳдон, ёзув туширилган сопол идишлар, майолика ва меъморий безак бўлаклари киради.

Сувенирлари тайёрланган экспонатлар ичида энг қадимгиси шубҳасизикки бошли илон тасвирланган тош ҳайкал ҳисобланади (O‘zbekiston madaniy yodgorliklar ..., 2018). Фарғона водийсининг Сўх тумани ҳудудида топилган бу ноёб ҳайкал милoddan аввалги II минг йилликнинг охирига тенг. У қора тош (хризотил)дан ўйиш, пармалаш, жило бериш усуллари билан ясалган. Экспонатнинг асл ўлчами 27x24 см бўлиб, сувенир ҳолатида тахминан 3 марта (8,0x7,0x1,8 см) кичрайтирилди. Унга асос сифатида ёғочдан таглик (10x3,0x2,0

см) ясаиб, унга ўрнатилди. Бу эса унинг мустақкам тик туришини таъминлаши билан бирга уни сувенир сифатида ифодалашга хизмат қилади. Тажриба тариқасида ушбу хайкалнинг худди шундай кичик ўлчамдаги яна бир сувенир варианты ҳам ишлаб чиқилди. У функциявий аҳамиятга эга бўлиб, салфетка солишга мўлжалланган (1-расм).

ЎТДМнинг яна бир машхур экспонати Фаёзтепадан топилган ва кушон даври (I-II асрлар)га оид эркак юзи тасвирланган диск ҳисобланади. Образ ўзига хос қиёфага эга: тўғри бурун, бодомқовоқ, сочлари, мўйлаби ва пастки юзи бўйлаб кенг ёйилган соқоли жингалаксимон тарзда ифодаланган. Фаёзтепа музей ашёсининг ясалган хом-ашёси алебастр бўлиб, аввал ясалган моделдан қолипда куйиш орқали ҳосил қилинган. Сувенир экспонатнинг асл ўлчами (диаметри – 16, 5 см)дан икки баравар кичик (диаметри – 7, 3 см) ўлчамда тайёрланди. Сувенирларга хом-ашё сифатида керамика лойи ишлатилди. Аввал сувенирнинг модели ишлаб чиқилиб, ундан бир неча қолиплар ёрдамида “тикма” усулида олинди. Намуналр қуритилгач, махсус хумдонларда ҳарорат 750 °С иссиқликда пиширилди. Тайёр намуналар махсус буюртма асосида ясалган рамкаларга ўрнатилиб тайёр маҳсулот сифатида тақдим қилинди (2-расм).

Музей экспозициясида ўрта асрларга оид сирланган сопол идиш ва буюмлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг тури ва сони кўп бўлиб, сувенир учун музей раҳбарияти ва мутахассислари билан маслаҳатлашган ҳолда шакли, аҳамияти ва бадиийлик хусусиятларидан келиб чиқибайримлари танлаб олинди ва сувенир моделлари ишлаб чиқилди. Масалан, Тошкент ҳудудидан топилган ва X-XII асрларга оид шокоса (диаметри – 28 см, баландлиги – 9 см)да ўсимликсимон безак ва эпиграфика билан безатилган (инв. №37/11). Одатда сувенирлар енгил ва олиб кетиш қулай бўлиши учун иложи борича кичикроқ ҳажмда ва енгил хом-ашёлардан тайёрланади. Сопол идишларда ҳам шу тартибга амал қилган ҳолда сувенир намуналарини деярли икки марта кичрайтириб (диаметри – 15 см, баландлиги – 4 см) ясалди. Лекин, хом-ашё ва ясаиш техника-технологияси сақлаб қолинди. Яъни, аввал керамика лойидан сопол идиш шакли ясаиб, қуригач, унга ангоб суртилиб, хумдонда 750-800С қиздирилди (утил қилинди). Сўнгра, идиш юзасига керакли нақш ва безаклар чизилиб, табиий пигментлардан тайёрланган сир (*глазурь*) суртилди ва яна хумдонда (980-1000 С) пиширилди. Худди шу усулда X-XII асрларга оид оид мойчироқ ҳамда XX аср бошларига оид сиёҳдон сувенирлари тайёрланди. Лекин, бу сувенир намуналарининг ўлчамлари аслига анча яқин қилиб олинди. Боиси, экспонатларнинг ўзи ҳам кичик ҳажмда, яъни сиёҳдон баландлиги – 7,5 см бўлса, мойчироқ баландлиги – 5 см, узунлиги эса – 13 см. Уларни янада кичрайтириш

биринчидан яшашда қийинчиликлар туғдирса, бошқа томондан сувенирларнинг кўримсизлигига олиб келиши мумкин (3-расм).

Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа тарихий шаҳарларимиздаги кўп сонли меъморий обидаларимиз очик осмон остидаги музейларга айлантирилган. Аҳамиятлиси, уларнинг ҳар бир ташқи ва ички безкларининг ўзи ҳам ноёб экспонатлар ҳисобланади. Шундай ашёлардан иккита намуна сувенирлар кўринишида тайёрланди. Уларнинг бири Самарқанддаги меъморий дурдона, яъни олти қиррали қоплама плита бўлиб, ислимий нақшлар билан безатилган. Бу экспонат ўз асл ўлчамидан бир барабар кичикроқ қилиб ясалди ва кўпайтирилди. Хусусан, аввал махсус кулолчилик лойидан унинг модели ясаб олинди ва ундан қолип олинди. Қолипдан кулолчилик лойи ёрдамида “тикма” усулида шакл олинди. Бирламчи маҳсулолар қуригач уларга сир қоришмалари ёрдамида нақшлар чизилиб, хумдонда пиширилди.

Сувенирларидан қаторидан ўзига хос кўринишга эга бошқа бир майолика плиткеси ҳам ўрин олди. Музей ашёларига бағишланган каталогига кўра экспонат (19,5x19,5x1,5 см)нинг топилган ёки келиб чиқиш жойи номаълум бўлсада, у XVI асрга таалуқли. Квадрат плитка композициясидан марказда ромб ичида тасвирланган чавандоз ва унинг тўртта бурчагида гуллар бўртма (*рельеф*) қилиб ифодаланган. Чавандоз миллий кийимда ва чаманзор ичра оқ отни чоптириб кетмоқда. Ромб ҳам нақшли қилиб тасвирланган, гуллар ва барглар йирик. Чавандознинг либоси барглар ранги билан бир хил, яъни яшил рангда ифодаланиши композициядаги яхлитлик ва уйғунликни таъминлаган. Бу экспонатнинг сувенири ҳам деярли икки баробар кичикроқ (10x10x0,5 см) ҳажмда бажарилди (4-расм).

Хулоса қилиб айтганда, сувенирлар яратиш ва ишлаб чиқариш музей фаолиятининг аҳамиятли қисми ҳисобланади. Улар фақатгина музейлар учун даромад манбаи эмас, балки уларни тарғибот ва ташвиқот воситаси бўлиб хизмат қилади. Музейларда минглаб сувенирбоп экспонатлар мавжуд бўлиб, улар асосида нафақат кичик ҳажмдаги нусхалар, балки бошқа маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқариш мумкин. Масалан, экспонатлар тасвири туширилган полиграфия маҳсулотлари (кружка, футболка, кепка, ёстиқ ва ҳ.к.), канцелярия товарлари (дафтар, блокнот, ручка, файл ва б.), маиший хўжалик буюмлари ва б. Бу каби товарлар фақатгина эсдалик совғаси бўлиб қолмай, балки фойдаланиш учун ҳам асқотиши билан харидоргир бўла олади.

Эндиликда музей сувенирларини яратиш ва ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш ижобий самара беради. Бу аввало, ўзига хос дизайн, маҳсулот хом-ашёсининг мустаҳкам, енгил ва қулай бўлиши, асосийси товар кўринишида ялпи ишлаб чиқариш ва қадоқлашни ўз ичига олади. Шунингдек, бу

борада хориж тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Музей сувенирларини яратиш ва ишлаб чиқаришда қилиниши керак бўлган ишлар талайгина бўлиб, мазкур амалга оширилган ишлар уларнинг кейинги ривожда тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

(2021), “Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ–732-сонли Қонуни;

“Yangi O‘zbekiston” (2022), “Museum shop”larda eksponat va kolleksiyalarning nusxalarini xarid qilish mumkin (манба: <https://yuz.uz/uz/news/museum-shoplarda-eksponat-va-kollektsiyalarning-nusxalarini-xarid-qilish-mumkin>).

O‘zbekiston tarixi Davlat muzeyi (2018), O‘zbekiston madaniy yodgorliklar hazinasi. Toshkent: San’at. – 230 b.

Иллюстрацияларга изоҳлар:

1-расм. Сўхдан топилган тош ҳайкал асосида яратилган сувенир намунаси

2-расм. Фаёзтепадан топилган диск асосида яратилган сувенир намунаси

3-расм. Сирланган сопол буюмлар асосида ясалган музей сувенирлари

4-расм. Меъморий безаклар асосида тайёрланган сувенир намуналари